

11. Susan L. Rutledge. *Consumer Protection and Financial Literacy. Lessons from Nine County Studies: The World Bank, Europe and Central Asia Region, Finance and Private Sector Department* (June 2010). URL:<http://www.wds.worldbank.org>.
12. Atkinson A. and F. Messy. *Measuring Financial Literacy: Results of the OECD*. // International Network on Financial Education (INFE) Pilot Study, OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions. 2012. № 15. OECD Publishing. URL: <http://dx.doi.org/10.1787/5k9csfs90fr4-en>
13. Дусмухамедов Ойбек Суръатбековиҷ. Аҳолининг молиявий саводхонлигини баҳолашнинг назарий асослари. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy-elektron jurnali. 5-son, sentabr-oktabr, 2020-yil.
14. Алифанова Е.Н., Евлахова Ю.С. Анализ методических подходов к разработке индикаторов финансовой грамотности населения. // Финансы и кредит. 12 (540). 2013. С. 23.
15. Turayeva G., Berdiyev G., Eshpulatov D., Alimova D., Odilbekov A., Davletova D., ... & Burxanov A. (2022, December). OPPORTUNITIES TO USE FINANCIAL SERVICES – “1 C PROGRAM”. In Proceedings of the 6th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 556-561).
16. Khahharovna T.G. & Jumaboevich M.T. (2022). Fintech Development in the Republic of Uzbekistan. // Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar on-layn ilmiy jurnali, 2(1), 71-83.
17. Тураев Г. (2023). Don ishlab chiqarish barqarorligini ta'minlashning iste'mol savatidagi ahamiyati. // Экономика и образование, 24(2), 440-444.
18. Moliyaviy savodxonlik. Finlit/uz. <https://finlit.uz/uz/articles/credit/loan-payments-date/>
19. Atkinson A.B. (1983). *The economics of inequality*. Oxford: Clarendon Press.
20. Qaxxorovna T.G. (2023). The Impact of Artificial Intelligence on the Economy. Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal, 2(2), 57-61.
21. Gulizaxro T., Mavlyuda I., Shaxnoza A. & Hilola S. (2023, April). Buxgalteriya hisobi fanining rivojlanishida raqamlashtirishni takomillashtirish. In "Conference on Universal Science Research 2023" (Vol. 1, No. 4, pp. 102-104).

### МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИ ТАҲЛИЛИ



doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a27](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a27)

**Саттаров Илҳом Ачилович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришининг илмий асослари ва  
муаммолари" илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада молиявий назоратнинг натижавийлиги таҳлили бўйича тадқиқот олиб борилган. "Натижага ўйналтирилган бюджетлаштириши" тизимининг иқтисодий моҳиятига тўхталиб, иқтисодчи олимларнинг фикрлари ўрганилиб, тадқиқот сўнггида якуний хуласа шакллантирилган.

**Ключевые слова:** бюджет, маблағ, харажат, даромад, натижавийлик, молиялаштириши.

### АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ

**Саттаров Ильхом Ачилович -**  
Исследовательский центр «Научные основы и проблемы  
развития экономики Узбекистана» при  
Ташкентском государственном экономическом университете

**Аннотация.** В статье проведено исследование по анализу эффективности финансового контроля. Акцентируя внимание на экономической сущности системы «Бюджетирование, ориентированное на результат», были изучены мнения экономистов, и в конце исследования был сформирован окончательный вывод.

**Ключевые слова:** бюджет, финансирование, стоимость, доход, исполнение, финансирование.

### ANALYSIS OF THE EFFECTIVENESS OF FINANCIAL CONTROL

**Sattarov Ilkhom Achilovich -**  
"Scientific bases and problems of the development  
of the economy of Uzbekistan" research center under  
the Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In the article, a study was conducted on the analysis of the effectiveness of financial control. Focusing on the economic essence of the "result-oriented budgeting" system, the opinions of economists were studied, and a final conclusion was formed at the end of the research.

**Key words:** budget, funding, cost, income, performance, financing.

**Кириш.** Жаҳонда иқтисодий вазиятнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай янги салбий омилнинг пайдо бўлиши, маса-

лан, инфляциянинг кутилганидан юқори тезлашиши, уни ушлаб туриш учун фоиз ставкаларининг кескин ошиши, геосиёсий кескинликнинг

кучайиши глобал иқтисодиётни турғунликка олиб келиши мумкин.

Прогнозларга кўра, 2023 йилда жаҳон иқтисодиёти 1,7 фоизга, 2024 йилда эса 2,7 фоизга ўсади. Иқтисодий ўсишнинг кескин секинлашуви кенг тарқалган бўлиб, 2023 йилга бўлган прогнозни пастга қараб қайта кўриб чиқиш илғор иқтисодиётларнинг 95 фоизига ҳамда ривожланаётган бозор ва ривожланаётган иқтисодиётларнинг қарийб 70 фоизига таъсир қилиши кутилмоқда [1].

Иқтисодий ўсишнинг пастлиги ва корхоналарга инвестициялар етишмаслиги таълим, соғлиқни сақлаш, қашшоқликни бартараф этиш ва инфратузилмани ривожлантиришдаги шусиз ҳам мураккаб вазиятни, шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган муаммоларни янада кучайтиради.

Бундай шароитда мавжуд маблағлардан, шу жумладан, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишин талаб этади. Бундай шароитда “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишини прогноз кўрсаткичлари доирасида ушлаб туриш, макро-иқтисодий ва бюджет барқарорлигини таъминлаш учун ҳукumat томонидан ташқи таъсирларга мослашувчан фискал сиёsat олиб борилади. Жумладан, давлат қарзини макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада ушлаб туриш, консолидациялашган бюджет тақчиллигини тасдиқланган прогноздан ошираслик, макрофискал таваккалчиликларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, консолидациялашган бюджет қамровининг тўлиқлигини таъминлаш, бюджетнинг барча жараёнида очиқликни таъминлаш ва шу каби бошқа истиқболли йўналишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шулар билан бир қаторда, бюджет харажатларини миллий барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғулаштириш, бюджетни шакллантиришда “Натижага йўналтирилган бюджет” тизимини тўлиқ жорий этиш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва “Яшил бюджет” тамоилларини жорий қилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

**Адабиётлар таҳлили.** “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” тизимининг иқтисодий моҳиятига тўхталиб, олимларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

Т.Эшназаровнинг таъкидлашича, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимига ўтилиши бюджет лойиҳасини мувофиқлаштириш босқичида дастурларни дастлабки тарзда баҳолаш, дастурларни амалга оширишда белгиланган мақсад ва натижаларга эришиш даражасини мониторинг қилиш ва дастурларни бажаришни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш имконини бериб қолмай, балки бюджет

маблағлари сарфланишининг самарадорлигини ҳам оширади.

Бизнингча, чет эл тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда давлат ва бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш нуқтаи назаридан натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимининг кўлланилиши нафақат бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш, балки бюджет соҳасида қонун бузилишлар, бюджет маблағларини ўзлаштириш, мақсадсиз сарфлаш, шунингдек, мавжуд коррупцион ҳолатларнинг ҳам олдини олиш учун катта имкониятлар яратилишига замин яратган бўлар эди [2].

О.Н.Тешабоева ва Н.А.Содиковнинг фикрича, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этишдаги бош тамойил сифатида “бюджет харажатларини бошқариш”дан “натижаларни бошқариш”га ўтишни ўзида ифода этади. НЙБ бюджетни тузиш, ижро этиш ва уни назорат қилиш услуги бўлиб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос тарзда стратегик мақсадларга эришиш учун натижаларга эришиши талаб этувчи бюджетлаштириш жараёнини ўзида акс эттиради. Бизнингча, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш услубини жорий этишда соҳалар кесимида мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Бу эса мазкур кўрсаткичлар тизимига нисбатан баҳоланадиган ва таққосланадиган мезонлар асосида жорий этилишини талаб этади. Кўрсаткичларни баҳолашга имконият яратилиши бюджет харажатларини йўналтиришга имкон берса, таққослаш натижаларининг қанчалик ижобий/салбий эканлигини аниқлашга шарт-шароит яратади. Шу билан бирга, натижавий бюджетлаштиришда якуник кўрсаткичларга қўйилган мезон бу муддатлий хисобланади [3].

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодчиларнинг фикридан кўриниб турибдики, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг асосий элементларидан бири назорат экан. Бизнинг тадқиқотимизда молиявий назорат кўзда тутилган. Бюджет харажатларининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш замонавий молиявий назоратнинг янги шакл ва турларидан фойдаланишини талаб этади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқда-ки, иқтисодий адабиётларда ва меъёрий ҳужжатларда “молиявий назорат” тушунчасига турлича таърифлар берилган.

В.А.Очаковский, И.И.Наумова ва М.Эсмернинг фикрича, Давлат молиявий назорати (ДМН) – молия қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари даромадларнинг нотўғри ишлатилишининг олдини олиш орқали давлатнинг молиявий сиёсати-

ни муваффақиятли амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими [4].

Ю.К.Баранованинг таъкидлашича, давлат молиявий назорати молиявий сиёсатнинг воситаси бўлиб, Россия Федерациясининг бюджет қонунчилигига ва бюджет ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган инструментдир [5].

М.Х.Темировнинг фикрича: “Давлат молиявий назорати кенг маънода барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари (мансабдор шахслар) ҳамда давлат ташкилотлари ички назорат бўлинмаларининг тегишли норматив хужжатлар билан белгиланган давлат молиявий оқимларини бошқариш тартибидаги ва иқтисодий субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятидаги қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолиятдир” [6].

В.З.Шевлоков: “Молиявий назорат уни ташкил этишнинг маҳсус шакл ва усуllibарини қўллаган ҳолда хўжалик юритиш ва бошқариш субъектлари фаолиятидаги молиявий ва у билан боғлиқ масалаларни текшириш бўйича ялпи ҳаракат ва операциялар мажмуудир”, – [7] деб таъкидлайди.

Т.А.Башкатова ҳам бу борада унга: “Молиявий назорат: 1) барча иқтисодий субъектлар молиявий интизоми ва молиявий қонунчилигига риоя этилиши устидан маҳсус яратилган назорат органларининг қатъий регламент (чегара)ланган фаолиятидир; 2) молиявий операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самародорлигини таъминлаш мақсадида макро ва микродаражадаги пул оқимлари ва молияни бошқаришнинг ажралмас элементидир” [8] деб ўз қарашларини билдиради.

Г.Ю.Царегородцеванинг фикрича: молиявий назорат давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзини-ўзи бошқариш соҳасидаги хатти-ҳаракатлари ва маблағларидан мамлакат ва алоҳида худудларни самарали ижтимоий-иқтисодий ривожлантариш учун фойдаланишнинг қонунийлигини назорат қилишдир [9].

А.Г.Грязнова, Е.В.Маркина, М.Л.Седова молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муайян қонун нормаларининг бажарилишини, молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш бўйича маҳсус ваколатли органларнинг ҳаракатларини бирлаштириш, шунингдек, қабул қилинган бошқарув қарорларини бажариш жараёни тўғрисида ўз вақтида тўлиқ ва объектив маълумотларни тақдим этиш деб ҳисоблади [10].

Г.В.Дмитренко молиявий назоратнинг муҳимлигини қўйидагича ифодалайди: молиявий назорат давлатнинг муҳим функцияси бўлиб, молия тизимининг нормал ишлашини таъминлаиди. Бу, бир томондан, молиявий режалаштириш ва прогнозлаш, молиявий ҳисоб ва статистика функцияларини бирлаштирувчи восита бўлса, иккинчи томондан, молиявий таҳлил ва тартибга солиш функцияларини амалга оширишнинг зарурий шартидир [11].

Н.К.Ризаевнинг таъкидлашича, давлат молиявий назорати органларининг сўнгги икки йил фаолияти таҳлилига тўхталсак. Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг худдий бошқамалари томонидан 2020 йилда бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланиши устидан олиб борилган 4729 та (2019 йилда 8074 та) назорат тадбири давомида 246 млрд. сўмлик (2019 йилда 142,6 млрд. сўм) бюджет интизомини бузиш, бюджет маблағларининг асоссиз ишлатилгани аниқланган ҳамда ушбу сумманинг 168,8 млрд. сўми бюджетга қайталиши таъминланган [12].

**Таҳлил ва натижалар.** Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, давлат молиявий назоратининг ҳозирги кундаги устуворлигини қўйидагича тавсифлаш мумкин:

- бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ назоратнинг шаффоғлиги;
- бюджет маблағларидан фойдаланишда молиявий интизомнинг таъминланиши;
- бюджет жараёнини изчил ва тўлиқ амалга ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш;
- бюджет муассасалари томонидан активларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтириш;
- назорат функцияси сифатига эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 170-моддасида молиявий назорат қўйидагича баён этилган: “Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун хужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек, бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади” [13]. Ушбу Кодекснинг 171-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир”.

Ҳозирги вақтда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан давлат бюджети маблағларини молиялаштиришда ҳар бир босқични назорат қилиш учун барча жараёнлар рақамлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилик сарфланган

маблағлар бўйича ҳисоботни автоматлаштирилган тарзда топширади. Молия тизимидағи барча рақамлаштириш амалиётлари Молия вазирлиги қошидаги Ахборот технологиялари маркази давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади. Эндиликда ахборот тизимлари орқали Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли сарфланишини кузатиб бориш ҳамда тезкор ахборотга эга бўлиш мумкин. Вазирлик тизимида рақамлаштириш билан боғлиқ «Очиқ-бюджет», «Ижтимоий ҳимоя Ягона реестри», «УзАСБО», «ДМБАТ», «Газна ресурс», «Субсидия», «Е-назорат» ва «ХР.МФ» сингари асосий лойи-

ҳалар амалга оширилди. Булар ичida энг етакчилари «Очиқ-бюджет», «Ижтимоий ҳимоя Ягона реестри» фуқаролар оғирини енгил қилаётган бўлса, «ХР.МФ» ва «УзАСБО» лойиҳалари вазирлик ва идораларнинг бухгалтерия ва ходимлар бўлими ходимлари учун жуда қулайлик яратди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси ташкил этилди. Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизими қўйидаги қўринишни олди (1-расм).

### Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси

### Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

### Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси

### Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси

### Аудит

#### 1-расм. Ўзбекистон Республикаси молиявий назорат тизими

**Манба:** меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мамлакатимизда молиявий назоратнинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳисобланади. Ҳисоб палатасининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда тсадиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги ЎРҚ-546-сонли қонуни билан тартибга солинади.

Ушбу қонунга кўра, Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларининг экспертизасини ҳамда ўрта мuddатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш;

қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва худудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини, шунингдек, яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳамда назорат қилиш;

бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш;

бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш;

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш;

солиқ, божхона ва бюджет тұғрисидаги қонунчилікни такомиллаштиришга, тизимли қоидабузарліклар сабабларини, шунингдек, халқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органдарининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш [14];

давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиб бўйича ички назорат тизимини жорий қилишга, шунингдек, унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифаларидан бири бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлашдан иборат экан.

Ҳисоб палатаси томонидан 2022 йилдан бошлаб, республикадаги барча молиявий назорат органлари ҳамда ички аудит хизматларининг назорат тадбирлари ҳисобини юритишга мўлжалланган “Давлат аудити” дастурий комплекси ишга туширилди.

Натижада 250 дан ортиқ тақрорий ва асосиз текширишларнинг олди олинди ҳамда молиявий назорат тадбирлари сифати ва самарадорлиги устидан вертикал назорат тизими яратилди. Фаолият самарадорлиги оширилишини таъминлаш мақсадида назорат шакллари тудан ўзгартирилди.

Маълумот учун: Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматлари томонидан назорат тадбирлари 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 48 фоизга камайди. Бунда жойига чиққан ҳолда амалга ошириладиган текширишларнинг сони камайиши билан бир қаторда, масофавий назорат қилиш қамрови кенгайтирилди ва риск-таҳлил асосида назорат тадбирларини белгилаш амалиёти жорий этилди. Ушбу дастур EUROSAlнинг Бюллетени (Эстонияда), INTOSAIнинг “Давлат аудити халқаро журнали” (АҚШ), ECOSAInинг журнали (Покистон) ва Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг “Мониторинг” нашрларида ижобий баҳоланган [15].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 август куни қабул қилинган “Давлат молиявий назорати тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қўйидагилар амалиётга жорий этилди:

бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини баҳолашни назарда тутувчи молиявий аудит;

консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ва уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи мувофиқлик аудити;

назорат обьектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи самарадорлик аудити.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сонли қа-

пори ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 431-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси тўғрисида”ги НИЗОМни тасдиқлади. Ушбу Низомга асосан Давлат молиявий назорати инспекцияси молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари маблағларининг мақсадли сарфланишини, молиявий назорат объектлари томонидан бюджет қонунчилигига, шунингдек, бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат молиявий назорат органи ҳисобланади. Инспекциянинг асосий функциялари қўйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича маҳсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиш орқали бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисбланишини назорат қилиш ва ортиқча тўловларнинг олдини олиш;

бюджет қонунчилигига риоя этиш бўйича бюджет ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориш;

бюджет ташкилотларида аниқланаётган пул маблағлари ва моддий бойликларни талонтарож қилиш, камомадларга йўл қўйиш, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда ижро этиш тартибини бузиш ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва улар содир этилиши шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;

масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишида бюджет қонунчилигига ҳамда бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланишида бюджет қонунчилигига

риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратни амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетлари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчови ҳамда амалга оширилган тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

давлат харидларида бюджет буюртмачилари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларидан фойдаланишида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланилиши;

давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалари даромадларининг ҳисбланиши ва ўз вақтида ундирилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш ва шу кабилар ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган функцияларнинг амалга оширилиши молиявий назорат натижадорлигини таъминлайди.

Энди Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан 2015-2021 йилларда амалга оширилган молиявий назорат натижаларини келтириб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили асосида мамлакатимиз бюджетидан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган назорат ишлари бўйича бир қанча эътиборга молик тенденцияларни кузатиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтган йилларда ўtkazilgan текширишлар сони 2015 йилда 26 225 тани ташкил этган бўлса, 2017 йилда 14 295 тага камайган. Бироқ 2018 йилда сезиларли пасайиш кузатилиши мумкин, бор-йўғи 7 047 та текшириш ўtkazilgan. 2019 йилда 10 334 та, 2020 йилда 6 944 та ва 2021 йилда 9 414 та текшириш тенденцияси давом этмоқда. Шунингдек, келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2018 йилдан 2021 йилгacha мамлакатимизда бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича ўtkazilgan текширишлар сони сезиларли даражада камайган.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги  
Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан 2015-2021 йилларда амалга  
оширилган молиявий назорат натижалари таҳлили (та бирлик)**

№	Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Тафтиш ва текширишлар ўтказилган жами муассасалар сони	26225	25531	14295	7047	10334	6944	9414
2.	Молия органларида маҳаллий бюджетни тузиш ва ижро этишини таъминлаш юзасидан ўтказилган текшириш ва тафтишлар	185	191	26	131	17	49	28
3.	Республика бюджетидан маблағ олувчи муассасаларда ўтказилган текшириш ва тафтишлар	1709	1798	932	1060	1864	594	1360
4.	Маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда ўтказилган текшириш ва тафтишлар	23121	22947	11693	4384	6193	4135	5745
5.	Хўжалик субъектларида (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ўтказилган текшириш ва тафтишлар	1602	990	1102	471	791	682	617
6.	Молия вазирлиги қошидаги жамғармалардан бериладиган маблағларнинг белгиланган мақсадларга ишлатилиши юзасидан ўтказилган текширишлар	1502	1594	542	1001	1469	1533	1664

**Манба:** тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. [tf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html](http://tf.uz/uz/ministry/open-data-portal/portal-otkrytykh-dannykh.html)

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, таҳлил даврида молиявий назоратнинг натижадорлиги ва самарадорлиги ошган. Аммо молиявий назорат фақат текширувлар сонига асосланади, бу пасайиш тенденцияси баъзи хавотирларни келтириб чиқаради.

Текширувлар сонининг камайиши молиявий назорат тизимида устуворликлар ёки ресурслар тақсимотининг ўзгаришини кўрсатиши мумкин. Бу юқори хавф зоналарига эътибор қаратиш ёки муқобил назорат механизмларини кўллаш орқали текширишларга янада мақсадли ва самарали ёндашувни таклиф қилиши мумкин. Шу билан бирга, текширишларнинг камайиши хавф даражасига ва бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда молиявий ноутўри бошқарув ёки қонунбузарликлар эҳтимолига мутаносибми ёки йўқлигини ҳисобга олиш керак.

Молиявий назорат самарадорлигини баҳолаш учун ўтказилган текширишлар натижалари, молиявий хукуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш, бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларнинг умумий шаффоғлиги ва ҳисобдорлиги, бюджет интизомига таъсири каби қўшимча омилларни ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари мамлакатимизда молиявий назорат самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш учун сифатли баҳолашлар, манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазалари ва бошқа фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олиш керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, текширишлар сонининг камайгани хавотир үйғотаётган бўлса-да, мамлакатимиз бюджетидан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини таъминлаш ва молиявий хукуқбузарликларнинг олдини олишда молиявий назоратнинг умумий самарадорлигини баҳолаш учун янада кенгроқ таҳлил қилиш талаб этилади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Global Economic Prospects. JANUARY 2023. 2023 International Bank for Reconstruction and Development. / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433
2. Эшназаров Т.Ш. Бюджет муносабатларини тақомиллаштириш ва унинг истиқболлари. // Иқтисод ва молия. / Экономика и финансы. 2021, 9(145).
3. Тешабоева О.Н., Содиков Н.А. Ўзбекистонда давлат бюджет маблағларидан молиялаштириш жараёнининг истиқболли йўллари. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 3 ISSUE 4 2022 \_ISSN: 2181-1601
4. Очаковский В.А., Наумова И.И., Эсмер М. Правовые особенности осуществления государственного финансового контроля. // Законность и правопорядок в современном обществе. 2016. № 34.
5. Барanova Ю.К. Государственный финансовый (бюджетный) контроль сегодня. // Социально-экономические явления и процессы. 2018. Т. 13. № 1.
6. Темиров М.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий тизимини ислоҳ қилишининг истиқболли йўналишлари. Автореферат. 2019. 12 бет.
7. Шевлоков В.З. Организационные основы создания государственного финансового контроля. // Аудит и финансовый анализ, 2002, № 1. С. 5.
8. Башкатова Т.А. Сущность и функции финансового контроля. Учебник Финансы. /Под ред. проф. Л.А. Дробозиной. 2001. С. 385.
9. Царегородцева Г.Ю. Финансовый контроль. Учебное пособие. / М-во обр. и науки РФ, Вологодский государственный университет. – Вологда: ВоГУ, 2016. – 110 с.
10. Грязнова, А.Г. Финансы. Учебник. / А.Г.Грязнова, Е.В.Маркина, М.Л.Седова и др.; под ред. А.Г.Грязновой, Е.В.Маркиной. 2-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2012. – 496 с.

11. Дмитренко Г.В. Модернизация государственного финансового контроля. // Статистика. 2009. № 3. С. 118-123.
12. Ризаев Н.К. Бюджет тизими бюджетлари ижроси назоратининг шакллари ва усуллари. Магистрлар. № 2. 2023.
13. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 170-моддасида. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни. 2023.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 шулда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги ЎРҚ-546-сонли қонуни.
15. "Давлат аудити" дастурий комплекси амалда. <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/288>.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-128-сонли қарори.



### МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАР МАНБАНИИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a28](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a28)

Оллоқуловва Феруза Мансуровна -  
Термиз давлат университети  
доценти в.б., PhD

**Аннотация.** Ушбу мақола бюджет-солиқ тизимини ривожлантиришининг муҳим йўналишларидан бири – маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш, хусусан, даромадлар манбаини оширишга бағишиланган. Унда маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, молиявий мустақиллигини таъминлаш устувор вазифа эканлиги таъкидланган. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси бўйича мавжуд вазият таҳлил қилинган ва даромад базасини кенгайтириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** маҳаллий бюджет, даромад, харажат, молиявий мустақиллик, солиқ,

### ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УВЕЛИЧЕНИЯ ДОХОДНОЙ ЧАСТИ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Оллоқуловва Феруза Мансуровна -  
и.о. доцент Термезского государственного университета, PhD

**Аннотация.** Данная статья посвящена укреплению финансовой самостоятельности местных бюджетов, в частности увеличению источника доходов, одному из важных направлений развития бюджетно-налоговой системы. Подчеркивается, что увеличение доходов местных бюджетов и обеспечение финансовой независимости является приоритетной задачей. проанализировано текущее состояние доходной базы местных бюджетов и сформулированы выводы и предложения по расширению доходной базы.

**Ключевые слова:** местный бюджет, доходы, расходы, финансовая самостоятельность, налог.

### PERSPECTIVE DIRECTIONS INCREASING THE REVENUE OF LOCAL BUDGETS

Ollokulova Feruza Mansurovna -  
Acting associate professor of Termez State University, PhD

**Abstract.** This article is devoted to strengthening the financial independence of local budgets, in particular, to increasing the source of income, one of the important directions in the development of the budget and tax system. It is emphasized that increasing the revenues of local budgets and ensuring financial independence is a priority. analyzed the current state of the revenue base of local budgets and formulated conclusions and proposals for expanding the revenue base.

**Keywords:** local budget, income, expenses, financial independence, tax.

**Кириш.** Маҳаллий бюджет даромадлари-ни кенгайтириш ҳамда солиқ тўловчиларни аниқлаштириш ва унга нисбатан ёндашувларнинг асосланган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мамлакат миқёсида бир хил хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин худудий нуқтаи назардан ўзаро фарқланиши мавжуд бўлади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим

йўналишлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, даромадлар базасининг яхши шаклланганлиги, иккинчидан харажатларнинг барқарорлигига эришилиши билан ифодаланади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари-ни кенгайтириш ва ташкил қилишда, асосан, маҳаллий бюджетлар шаклланиши ва фойдаланишининг барқарорлигини таъминлаш масалаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий молиявий манбаларни ошириш бугунги кунда энг муҳим